

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

491 Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳо- фазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-2*

(2010 йил 28 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 301-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-44-сон (рўйхат рақами 1754, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 545-модда) буйруғи билан тасдиқланган Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларининг 516 ва 600-бандларидаги «Ўзбекистон Республикасида Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси» ва «Ўзбекистон Республикасида Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси» деган сўзлар тегишлича «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси» ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекциясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ «Ўзвиносаноат-холдинг» Холдинг компанияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 декабрь,
198-Б-сон

Келишилди:

«Ўзвиносаноат-холдинг»

Холдинг компанияси раиси

С. САИДЖАЛОЛОВ

2010 йил 25 ноябрь

Ўзбекистон Касаба уюшмалари

Федерацияси Кенгаши раиси

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2010 йил 25 ноябрь

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

А. ИКРАМОВ

2010 йил 25 ноябрь

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2010 йил 25 ноябрь

«Саноатгеокоңтехназорат»

давлат инспекцияси бошлиғи

Б. ГУЛЯМОВ

2010 йил 25 ноябрь

«Ўздавээнергоназорат»

инспекцияси бошлиғи

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2010 йил 25 ноябрь